# ХАЛҚИМИЗНИНГ МУҚАДДАС ТАРОНАСИ

**ҲАР БИР ХАЛҚНИНГ КУЧ-ҚУДРАТИ, МИЛЛИЙ ИФТИХОРИ, ДУНЁҚАРАШИ УНИНГ ДАВЛАТ МАДҲИЯСИДА ЎЗ ИФОДАСИНИ ТОПАДИ. ДАВЛАТ МАДҲИЯМИЗНИНГ ИЛК САДОСИ, ДАСТЛАБКИ СЎЗЛАРИ ЯНГРАЙ БОШЛАШИ БИЛАН КЎЗ ОЛДИМИЗДА ОЗОД ВА МУСТАҚИЛ ВАТАНИМИЗ — ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ ГАВДАЛАНАДИ.**

Мустақилликка эришганимиздан сўнг 15 ойдан кейин — 1992 йилнинг 10 декабрида Мадҳиямиз қабул қилинди. Унинг ҳуқуқий асоси 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан белгиланган.

Дунёнинг кўплаб халқлари эрталаб ўз миллатларининг қўшиғи билан уйғонадилар. Бу уларга куч ва ғайрат бағишлайди, юксак орзулар сари етаклайди.

Мана, ўн олти йилдирки, Мадҳиямиз Ватанимиз озодлигини, Мустақиллигини баралла ифодалаб келмоқда. Бугун мадҳиямиз таълим масканларида ёш авлодни она-Ватанга меҳр-мурувват, садоқат ва ифтихор руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Ҳар йилнинг 10 декабрь куни эрталаб барча таълим масканларида биринчи дарс машғулотлари Давлатимиз мадҳиясига бағишланади, унга бағишлаб турли йиғилиш ва мажлислар ўтказилади, етук мутахассислар таклиф этилади. Кўплаб идора ва ташкилотларда расмий йиғилишларда аввал мадҳиямиз жаранглайди. Ҳар бир давлатнинг тарихида мадҳияси қабул қилинган кун муҳим сана ҳисобланади ва ушбу санага бағишлаб турли тадбирларнинг ўтказилиши анъанага айлангани эътиборга моликдир.

Мазкур сананинг мамлакатимизда кенг нишонланиши фуқароларимизда она Ватандан фахрланиш, ўз келажагига ишонч туйғуларини янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Мадҳия — Ватаннинг негизини, борлигини ташкил этади. Ҳар тонг уйқудан туриб, телевизор ёки радио мурувватини бурасак, энг аввало, кишига серғайратлик, кун бўйи куч бағишлаб турадиган Мадҳиямиз садолари янграйди ва ўзбек халқининг ҳеч кимдан кам эмаслиги, ҳеч кимдан кам бўлмаслигига ҳам ишора қилади. Мадҳиямизнинг ҳар бир сатри мустақил Ўзбекистоннинг маълум бир қиррасини намоён этади.

Мустақиллик туфайли Мадҳиямизда истиқлол, халқимизнинг орзу-интилишлари, Ватан мадҳи ва унинг абадийлиги куйлангандир.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонуннинг 9 ва 10-моддаларида мадҳиямизнинг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида республика ва халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида...» ҳамда «Хорижий давлатлар ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг муассасалари ва ташкилотлари ўтказадиган тадбирлар вақтида ўша мамлакат тажрибаси ва маҳаллий урф-одатларни инобатга олган ҳолда...» ижро этилиши белгилаб қўйилган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ғуруримиз ҳисобланмиш мадҳиямизни фахр билан ифтихор этсак, ҳеч қачон юрган йўлимиздан қоқилмаймиз, адашмаймиз.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси асрлар оша келгуси авлодларимиз тилида озодлик, эрк ва мустақиллик рамзи ва таронаси бўлиб янграйверади.

**Шавкат ЁҚУБОВ,**
**Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежи матбуот хизмати бошлиғи**

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ — УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИНИНГ БОШ МАҚСАДИ

**2008 ЙИЛ 1 МАЙ КУНИ «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ.**

Фармонда таъкидланишича, «2008 йилда халқаро жамоатчилик инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги асосий демократик тамойил ва талабларни ўзида мужассам этган, бу соҳада бутун халқаро ҳуқуқ тизимини шакллантиришнинг сиёсий, ҳуқуқий асосига айланган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигини нишонлайди».

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, Истиқлол йилларида мамлакатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 60 та асосий ҳужжатга қўшилди. БМТ томонидан бу соҳада қабул қилинган 6 та асосий халқаро шартнома қатнашчисига айланди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, инсоннинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ўз ифодасини топган.

Бозор ислоҳотларини изчил амалга ошириш, йирик давлат ижтимоий дастурлари, жумладан, Соғлом авлод, Она ва бола, Сиҳат-саломатлик йили, Оила йили, Ижтимоий ҳимоя йили, Ёшлар йили ва бошқа дастурларни ҳаётга татбиқ этиш орқали мамлакатимизда инсоннинг, аввало, болалар, аёллар, ёшларнинг ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқларини бутун чоралар билан ҳимоя қилиш, уларнинг ҳар томонлама баркамол ривожланиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилди.

Ўзбекистонда 2008 йил 1 январдан ўлим жазосининг бекор қилиниши, Ҳибсга олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши инсон ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

«Мамлакатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Амалдаги Қонун ҳужжатлари мониторинги институти, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлигида инсон ҳуқуқлари ҳимояси бўйича махсус тузилган бўлинмалар каби инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар тизими яратилган ва улар фаол ишламоқда» деб таъкидланади мазкур Фармонда.

Маълумки, 1948 йил 10 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинган эди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси тузилишига кўра муқаддима ва 30 та моддадан иборат бўлиб, унда асосан инсоннинг асосий ҳуқуқлари, қадр-қиммати, инсон шахсининг беназирлиги ҳамда эркаклар билан аёлларнинг тенг ҳуқуқлилиги ўз аксини топган.

Шунингдек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 11-моддасида «Жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар таъминлангани ҳолда очиқ суд мажлиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча айбсиз деб ҳисобланишга ҳақлидир» деб белгиланган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида ҳам «Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб унинг айби аниқланмагунча у айбдор деб ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиши учун барча шароитлар таъминлаб берилади» деб белгиланган.

Декларациянинг 23-моддасида эса, «Ҳар бир инсон меҳнат қилиш, ишни эркин танлаш, адолатли ва қулай иш шароитига эга бўлиш ва ишсизликдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқига эга» деб талқин қилинган. Конституциямизнинг 37-моддасида эса ушбу ҳуқуқлар қуйидагича белгиланган. Жумладан, «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир» деб таъкидланади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 26-моддасида «Ҳар бир инсон таълим олиш ҳуқуқига эга. Таълим олишда ҳеч бўлмаганда бошланғич ва умумий таълим текин бўлиши лозим. Бошланғич таълим мажбурий бўлиш керак. Техник ва ҳунар таълими ҳамманинг қурби етадиган даражада бўлиши, олий таълим эса ҳар кимнинг қобилиятига асосан ҳамма учун етарли имконият даражасида бўлмоғи керак» деб белгиланган.

Юртимизда Конституция,қонунлар, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда кенг татбиқ этилаётгани ўзининг ҳаётбахш самараларини бераётир. Амалдаги Қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга қаратилган барча ҳаракатлар инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, мамлакатимизнинг жаҳондаги обрўсини оширишга йўналтирилган бўлиб, фуқароларнинг Конституцияда кафолатланган ҳуқуқларининг сўзсиз таъминланишига олиб келади.

**Абдувоҳид ВАҲОБОВ,**
**юридик фанлари номзоди, доцент**
**Мудассир САИДАЗИМОВ,**
**юридик фанлари номзоди, доцент**





# ТАСАВВУРЛАРИ БОЙИДИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2008 ЙИЛ 1 МАЙДАГИ «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ УМУМЖАҲОН ДЕКЛАРАЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЮЗАСИДАН ЖОЙЛАРДА ҚАТОР ТАДБИРЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА.**

Ана шундай тадбирлардан бири Миробод Саноат касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган мазкур конференция Миробод туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда туман прокуратураси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуманда иштирок этган коллеж ўқитувчилари ва талабалар туман прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Исломжон Эргашходжаевнинг маърузасини катта қизиқиш билан тингладилар. У ўз сўзида юқоридаги муҳим ҳужжатнинг мазмун-моҳияти, асосий қоидалари, фуқаролар, шу жумладан, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашдаги ўрни ҳақида батафсил маълумот берди. Шунингдек, Тошкент Давлат юридик институти ўқитувчиси Темур Ҳасанов, коллеж ўқитувчиси Шерзод Элиев конференция иштирокчиларига Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида, уларнинг алоҳида боб ва қоидалари хусусида тушунтириш бердилар.

— Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси курраи заминдаги ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини халқаро-ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаган биринчи ҳужжатдир, — дейди Миробод туман прокурори Исломжон Эргашходжаев. — Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур декларация республикамиз мустақилликка эришгач имзоланган биринчи халқаро ҳужжат ҳисобланади. Биз туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда мактаб ва касб-ҳунар коллежларида мазкур ҳужжат қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирларни кенг миқёсда ўтказишга эришдик. Бундан кўзланган асосий мақсад ўқувчи ва талаба-ёшларнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ҳақидаги тасаввурларини бойитиш, билимларини такомиллаштириш, унинг беқиёс аҳамиятини англатишдир.

Тадбир сўнгида талаба-ёшларнинг саволларига батафсил жавоблар қайтарилди.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: Миробод Саноат касб-ҳунар коллежида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.**

**Алексей Попов олган суратлар**

*Транспорт*

# «ИСУЗУ»ЛАР СОНИ 400 ТАДАН ОШДИ

**ШАҲРИМИЗ АҲОЛИСИГА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИ КЎРСАТИШ ТОБОРА ЯХШИЛАНИБ БОРМОҚДА. БУНИ «ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ» УЮШМАСИ КОРХОНАЛАРИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН 9 ОЙЛИК ИШ ЯКУНЛАРИ ҲАМ КЎРСАТИБ ТУРИБДИ.**

Шунингдек, транспорт воситалари базаси янада мустаҳкамланди. 2007 йил ва жорий йилнинг 9 ойида 406 та «Исузу» русумли, 10 та «Хундай Аэро Сити» автобуслари харид қилинди. Ўз хизмат муддатини ўтаб бўлган 400 дан ортиқ ҳаракат таркиблари тасарруфидан чиқарилди.

Эндиликда 1550 га яқин кўп ўринли ва мўъжаз автобуслар сони ортиб бормоқда. Жумладан, 12-автобус саройи ҳузурида ташкил қилинган «Автобустранс яхши ният» масъулияти чекланган жамияти «Исузу» русумли автобуслар билан тўлдирилди. Ҳозир 30 та трамвай вагонлари хизматидан ҳам йўловчилар фойдаланишмоқда.

# ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАР

**БУГУНГИ КУНДА ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ» УЮШМАСИ ТАРКИБИДАГИ ТРАНСПОРТ КОРХОНАЛАРИ ТОМОНИДАН 117 ТА ШАҲАР ИЧИ, 1 ТА ШАҲАР АТРОФИ, 7 ТА ТРАМВАЙ ВА 4 ТА ТРОЛЛЕЙБУС ЙЎНАЛИШЛАРИДА ТРАНСПОРТ ҚАТНОВИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.**

Бундан ташқари метрополитеннинг 29 та бекатдан иборат 3 та йўналиши мунтазам ишлаб турибди. Йўловчилар талаби асосида шаҳримиздаги 27 та йўналишнинг қатнов йўли ўзгартирилди. Жумладан, 2-автобус саройига қарашли 148-автобус йўналиши узайтирилиб, яна қатор янги бекатлардан фойдаланилмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

# ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ТЕЖАМКОРЛИК БИЛАН ФОЙДАЛАНАЙЛИК

**ҲОЗИР БИЗНИНГ ҲАЁТИМИЗНИ ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИСИЗ ТАСАВВУР ҚИЛИШ МУМКИН ЭМАС. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ САНОАТДА, БАНК ТИЗИМИДА, ТРАНСПОРТДА, АЛОҚА ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯДА, ТИББИЁТДА КЕНГ ҚЎЛЛАНИЛАДИ ВА ОДДИЙ ТУРМУШИМИЗНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ БЎЛИБ ҚОЛГАН. ЛЕКИН КЎПЧИЛИК ХАЛҚ БОЙЛИГИ ҲИСОБЛАНГАН МАСАЛАН 1 кВт. СОАТ ЭЛЕКТР ЭРЕНГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА УНИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА ЕТКАЗИБ БЕРИШ МИНГЛАБ ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИ МУТАХАССИСЛАРИНИНГ КЕЧАЮ КУНДУЗ МЕҲНАТИ ЭВАЗИГА ЭКАНЛИГИНИ БИЛМАСЛИКЛАРИ МУМКИН.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талабларини бажариш борасида «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими томонидан бир қанча ишлар олиб борилмоқда. Фармон чиққанидан кейин инспекция томонидан ўтказиладиган текширувлар сони қисқартирилди. Тадбиркорлик субъектларини бу каби ҳуқуқий ҳимоя қилиш уларнинг фаолиятини ривожлантиришга қаратилган. Инспекция томонидан назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган текширувлар режа-жадвалига асосан ўтказилаётган текширувларнинг сифати истеъмолчиларнинг электр энергиясидан фойдаланишда йўл қўйган қоидабузарликлари учун уларга нисбатан қўлланилган иқтисодий жарималарнинг миқдори ёки сонига эмас, балки хўжалик юритувчи субъектларда халқ бойлиги ҳисобланган ёқилғи-энергетика ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланишнинг йўлга қўйилишига боғлиқдир. Шу ўринда Тошкент шаҳар бўлими томонидан энергетика бўйича ўтказилаётган текширувларда хўжалик юритувчи субъектларга электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланиш бўйича, электр қурилмаларининг техник ҳолати белгиланган қоидаларнинг талабларига жавоб берадиган даражадалигига эътибор қаратилиб, электр энергиясидан фойдаланишда техника хавфсизлиги талабларини бажаришга қаратилган тавсиялар ҳам берилмоқда ва уларга бу масалалар бўйича амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

2008 йил 11 ноябрда «Ўздавэнергоназорат» инспекцияси Тошкент шаҳар бўлимида ўтказилган ўқув-семинарда шаҳримиздаги «Kommunenergomontaj» Шк, «Umman» ЁАЖ, «Tesna» МЧЖ ва «Menestrel» ИИЧК каби бир қатор корхоналарнинг раҳбарлари ва электр мутахассислари иштирок этдилар. Ўқув-семинарда ишлаб чиқариш корхоналарининг вакилларига электр энергиясидан фойдаланиш соҳасида чиққан янги қоидалар ҳақида тўлиқ маълумотлар берилди. Тадбирда шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазилар Маҳкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги «Электр энергияси сотилиши ҳамда ундан фойдаланилишини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини мустаҳкамлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талабларини бажариш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилди. Ҳозирги кунда баъзи истеъмолчилар фойдаланаётган ҳисобга олишнинг индукцияли приборларини замонавий электрон ҳисоблагичлар тизими (АСКУЭ)га ўтказишни таъминлаш долзарб масала бўлиб тургани ҳақида маълумот берилди.

Ўқув-семинарда «Ўздавэнергоназорат» инспекциясининг тавсиясига кўра ўрнатилган актив ва реактив энергияни, шунингдек, максимал қувватни бир вақтда ўлчаш ва назорат қилиш имконини берувчи «Альфа» А-1700-русумидаги кўп функцияли электрон ҳисоблагич ва DTS (EX)-541-русумидаги электрон ҳисоблагичлари базасида яратилган электрон тизим шаҳримиздаги бир нечта саноат корхоналарининг технологик жараёнидаги электр энергия сарфини компьютер орқали бошқариш имконини берганлиги ҳамда электр энергияси сарфининг кескин қисқартирилишига эришилаётганлиги мисол тариқасида кўрсатиб ўтилди.

Халқ бойлиги бўлган ёқилғи-энергетика ресурсларидан, хусусан, электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланиш ва фойдаланилган электр энергияси учун ҳақларнинг ўз вақтида тўланишини таъминлаш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини унутмайлик.

**Эҳсон УСМОНОВ,**
**«Ўздавэнергоназорат» инспекцияси Тошкент шаҳар бўлими етакчи муҳандиси**

*Миллий Дастур — амалда*

# ИЖОДКОРЛИК МАКТАБИ

**БУГУНГИ КУНДА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИДА КЎЗДА ТУТИЛГАНИДЕК, ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОМПЬЮТЕР ТАРМОҚЛАРИ НЕГИЗИДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ РИВОЖЛАНИБ БОРМОҚДА.**

Тошкент шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш институти ташаббуси билан институт педагог ходимлари учун ҳар ҳафтанинг чоршанба куни «Ижодкорлар мактаби» ўқув-услубий семинари ташкил этилмоқда. Навбатдаги ўтказилган семинар институтнинг «Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим кафедра»си катта ўқитувчиси Зуҳра Файзиеванинг чиқиши билан бошланди. Ушбу семинарда институтнинг 40 нафардан ортиқ барча фан ўқитувчилари Ресурс марказида компьютер орқали ишлаш имкониятига эга бўлдилар. З.Файзиева томонидан яратилган электрон дарсликлари институт профессор-ўқитувчилари диққатини ўзига тортди.

З.Файзиева малака ошириш курсларига келган тингловчилар билан «Мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришда М.Монтессори методикаси» бўйича иш тажрибаси юзасидан ўз фикрларини билдирди. Ҳақиқатан, МТМларда болаларни сенсор тараққиётида ранг, шакл, ҳажм ҳамда қўл моторикасини ривожлантириш алоҳида эътиборга моликдир.

Ўтказилган семинарда институтнинг ҳар бир ходими ўз иш жараёнларида олган педагогик технологияларни инновацион қўллаш имкониятига эга бўлдилар. З.Файзиева алоҳида эътиборини ахборот технологиялари орқали амалий машғулотларни кетма-кет кузатиш билан бир қаторда назарий билимларини «Резюме» технологияси, «Кластер» методлари орқали бойитиб борди. Бу технологияларни ўз иш фаолиятидан келиб чиқиб фан кесимида қандай қўллаш мумкин, деган саволни ўртага ташлади. Бу орқали иштирокчилар фаоллиги янада ортди, ҳар бир институт ходимининг ушбу анжуманда мавзуга оид билимлари бойиди. М.Монтессори методикаси бўйича берилган тушунча орқали болаларни ёш хусусиятлари, руҳий кечинмалари, имкониятлари ва ижобий ҳаёт воқеа-ҳодисаларига мос ҳолда ўйинлар танлаганининг гувоҳи бўлинди.

Ушбу семинарда мактабгача таълим муассасаларида болаларга М.Монтессори методикасини сингдириш йўлларини самарали ва қизиқарли ташкил этиш; интерфаол усуллардан фойдалана олиш борасида педагогларнинг билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш; М.Монтессори методикаси бўйича олиб бориладиган ишларини янада кенгайтириш; болаларда мустақил фикрлашни, ҳамда ижодкорликни шакллантириш бўйича малакаларини такомиллаштириш каби вазифалар кўзда тутилган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни таъкидлаш керакки, таълим-тарбия соҳасидаги сифат ва самарадорликка эришиш ўқув жараёнини такомиллаштириш масалаларини тўлиқ бажаришни таъминлайди.

**Мавлуда ИСЛОМОВА,**
**ТШПКҚТМОИ «Мактабгача, бошланғич ва махсус таълим кафедра»си катта ўқитувчиси, халқ таълими аълочиси.**

*Йил танлови — 2008*

# ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ЭЪТИРОФИ

**КУНИ КЕЧА ШАҲРИМИЗДА ЮРТИМИЗ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ ЭЪТИРОФ ЭТГАН ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАРНИНГ СИФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАРИ ҲАМДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТУРЛАРИ БЎЙИЧА ҒОЛИБЛАРНИ ТАҚДИРЛАШ МАРОСИМИ — «ЎЗБЕКИСТОНДА ЙИЛ ТАНЛОВИ» ТАДБИРИ БЎЛИБ ЎТДИ. САККИЗИНЧИ БОР ЎТКАЗИЛАЁТГАН МАЗКУР ТАНЛОВДА 19 ТА ИШТИРОКЧИГА ЎН ИККИ ЮЛДУЗЛИ МЕДАЛЬ, МУВОФИҚЛАШТИРИЛГАН СЕРТИФИКАТЛАР ТАНТАНАЛИ РАВИШДА ТОПШИРИЛДИ.**

Истиқлолимиз шарофати билан республикамизнинг халқаро доирадаги кўрик-танловларда қатнашиши учун имкониятлар эшиги кенг очилди. Юртимиз (деярли барча вилоят ва пойтахтимизни қамраган ҳолда) истеъмолчилари ўртасида маркетинг тадқиқотлари, интернет сайти орқали сўровномалар ўтказилади. Тадбир ташкилотчиси — «Альтернатива ижтимоий ва маркетинг тадқиқотлар агентлиги» бўлса, ижтимоий маркетинг тадқиқотлар Европа фонди (Брюссель, Бельгия), ЕЕСС (Брюссель) ҳамда Европа маркетинг тадқиқотлар маркази (EMRC) ушбу танловнинг ташаббускори ва расмий қўллаб-қувватловчиларидир.

— Танловда биринчи бор қатнашишимиз, — дейди «Grabd Tea Packing» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Зафар Ҳожиматов, — юртдошларимизга манзур бўлаётган сифатли, хуштаъм «Osiyo» чойи хорижий ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимизнинг дастгоҳ ва ускуналари мададида қадоқланиб, республикамиз бўйлаб сотувга чиқарилмоқда. Ҳозирда корхонамизда 150 нафар маҳаллий ёшлар иш билан таъминланган...

— Автомобиллар суғуртаси билан шуғулланамиз, — дейди масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «Ark-Sug`urta» қўшма корхонасининг маркетинг бўйича менежери Дмитрий Ким, — фуқаролар манфаатини кўзлаган ҳолда ишимизни пухта ташкиллаштирганмиз, тушунтириш ишлари, тарғибот-ташвиқот масаласи ҳам доимий диққат-марказимизда. Барча шахсий автомобиль эгаларининг жорий йил охиригача компаниямиз хизматларидан самарали фойдаланишларига умид қиламиз.

«Омонхона» савдо белгиси билан ишлаб чиқарилаётган шифобахш минерал сув — «Surhan-Med Cotton» масъулияти чекланган жамияти, танлов ҳомийси: «Bliss» савдо белгили шарбат ва нектар тайёрловчи «Agromir-FOOD» қўшма корхонаси маҳсулотлари ҳамюртларимиз томонидан севиб истеъмол қилинади. Жумладан, уяли алоқалар компаниялари орасида жорий йилда «COSCOM» қўшма корхонаси пешқадамликни қўлдан бермади. Сифатли, бежирим қадоқланган (эътиборли томони, йилдан-йилга буюртмачилари сафи кенгайиб бораётган) «ELENA-Plus» савдо белгиси билан 30 турдан ортиқ маҳсулот: майонез, кетчуп, хантал, мураббо ишлаб чиқараётган «Airprodfnab» масъулияти чекланган жамияти «Менинг орзуим» — «Тошкент ёғ-мой комбинати» қўшма корхонасининг ўсимлик ёғлари «SIBUR» масъулияти чекланган жамиятининг «LIBIRTEA» савдо белгиси билан тайёрланаётган салқинлантирувчи чойли ичимликлари; «Сингапур-Самарқанд» хорижий корхонасининг кексаю ёшга бирдай ёқимли музқаймоқлари яна бир бор эътироф этилди.

Бундан ташқари, истеъмолчиларнинг бевосита соғлиқлари билан боғлиқ йўналиш — дорихоналар тизими: «Ariya Farm» масъулияти чекланган жамияти; кўп тармоқли «Doctor Serbis» клиникаси (шаҳар сектори йўналишида) ҳамда «Пиковит», «Септолете» (хорижий ишлаб чиқарувчилар) KRKA компаниясининг харидоргир минерал дармондорилари юқори баҳоланганлиги билан эътибор қозонди.

— Танлов ғолиблари совринлар билан тақдирланиш билан бирга, Халқаро миқёсда ўтказиладиган EMRC форумида қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритишди.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

# ПЕДАГОГИК ГРАНТЛАР ДАСТУРИ 2008

## МАҚСАД:

Педагогик грантлар дастурининг мақсади таълим-тарбия соҳасини янада ривожлантиришга ҳисса қўшиш, таълим бериш услуб ва усулларини мукаммаллаштириш, ижодий изланишларни жадаллаштириш, шунингдек, ойлик ва бир маротабалик тақдирлаш орқали халқ таълими педагогларини, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари ва илмий тадқиқотчиларни моддий томондан қўллаб-қувватлашдан иборат.

## ЙЎНАЛИШЛАР:

1. Биринчи йўналиш - халқ таълими педагоглари (умумтаълим мактаблари);
2. Иккинчи йўналиш - ўрта-махсус ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари (академик лицейлар, коллеж, олий ўқув юртлари);
3. Учинчи йўналиш - илмий тадқиқотчилар (аспирантлар, тадқиқотчилар, докторантлар) ва олий педагогик таркиб вакиллари (кафедра мудирлари, деканлар, проректорлар).

## ИШТИРОКЧИЛАР:

Танловда олий маълумотга ва 3 йиллик муттасил педагогик меҳнат стажига эга мактаб ўқитувчилари; олий маълумотга эга ва 5 йиллик муттасил педагогик меҳнат стажига эга академик лицей, коллеж ва олий ўқув юртлари ўқитувчилари; 5 йилдан кам бўлмаган педагогик меҳнат стажига эга илмий тадқиқотчилар ва юқори педагогик таркиб вакиллари қатнашишлари мумкин.

Танловда индивидуал ҳолатда (жамоавий аризалар қабул қилинмайди) кўрсатилган йўналишларнинг бири бўйича иштирок этиш мумкин.

## Ҳужжатлар 1 ЯНВАРГАЧА қабул қилинади!

**Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:**

1. Рангли суратли иштирокчи анкетаси;
2. Паспорт нусхаси (яшаш жойи кўрсатилган ҳолда);
3. Олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси;
4. Ходимлар бўлими муҳри туширилган меҳнат дафтарчаси нусхаси;
5. Лойиҳа;
6. Лойиҳа бюджети;
7. Лойиҳа бўйича амалга ошириладиган ишлар режаси;
8. Илмий тадқиқотчилар эълон қилинган мақолалари рўйхатини илова қилишлари лозим.

**Ҳужжатлар «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасига юборилади.**

FUND FORUM. UZ

**«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси**
Тел.: (998 71) 239 2932, 239 2933
Тел./Факс: (998 71) 239 27 71
http:// www.fundforum.uz
e-mail: info@fundforum.uz

**Вилоятда яшовчи номзодлар ҳужжатларини «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари марказининг вилоят бўлинмаларига топширишлари мумкин.**

**Вилоятдаги телефонлар:**

| | |
|---|---|
| Қорақалпоғистон Р-си | (8361) 770-69-23 |
| Андижон вилояти | (8 374) 298-19-17 |
| Бухоро вилояти | (8 365) 770-09-20 |
| Жиззах вилояти | (8 372) 771-69-13 |
| Қашқадарё вилояти | (8 375) 771-19-18 |
| Навоий вилояти | (8 436) 770-29-21 |
| Наманган вилояти | (8 369) 223-09-16 |
| Самарқанд вилояти | (8 366) 210-19-14 |
| Сирдарё вилояти | (8 367) 221-09-12 |
| Сурхондарё вилояти | (8 376) 770-89-19 |
| Тошкент вилояти | (8 373) 150-69-10 |
| Фарғона вилояти | (8 373) 229-79-15 |
| Хоразм вилояти | (8362) 770-49-22 |

Ҳакамлар ҳужжатларни ёпиқ мажлисда кўриб чиққанидан сўнг қарор чиқаради. Ҳакамлар қарори муҳокама қилинмайди. Танлов натижалари ҳақида фақат ғолибларга маълум қилинади.

**МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШГАНДАН СЎНГ УЛКАН ВА БЕБАҲО МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗНИ ТИКЛАШ, ҚАДРЛАШ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИДАГИ МУҲИМ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНДИ. БУ ЭСА МИЛЛИЙ МАДАНИЯТИМИЗ, ТАРИХНИНГ НЕ-НЕ СИНОВЛАРИДАН ЎТИБ, АСРЛАР ДАВОМИДА МИСҚОЛЛАБ ТЎПЛАНГАН, ХАЛҚИМИЗГА МАДАД БЎЛГАН БЕБАҲО ХАЗИНА — ХАЛҚ МАЪНАВИЙ БОЙЛИГИНИНГ ИЛДИЗЛАРИГА ЭЪТИБОР БЕРИШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ.**

*Танловлар*

# ДЎППИ ТИКДИМ, ИПАКЛАРИ ТИЛЛОДАН...





Айтиш жоизки, ҳар бир миллат ва элатнинг миллий кийимларида шу халқнинг бадиий, эстетик диди, миллий хусусиятлари, маданий анъаналари намоён бўлади. Ўзбек миллий, анъанавий кийимлари орасида кўриниши жиҳатидан кичкина, лекин энг қадимий, умрибоқий бўлгани— дўппилардир. Дўппилар жуда қадимдан ўзбек бадиий каштачилик меросининг ажралмас дурдонаси ва халқ амалий санъатининг ўзига хос гўзал турларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, жорий йилда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан «Дўппи тикдим, ипаклари тиллодан...» республика кўрик-танлови эълон қилинган эди. Шу кунгача танловнинг туман, вилоят босқичлари ўтказилиб, устоз-шогирд номинациялари бўйича вилоят ғолиблари аниқланган. Яқинда 1-Тошкент Педагогика коллежида «Дўппи тикдим, ипаклари тиллодан...» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Мазкур танловни ўтказишдан мақсад Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармони ва «Ёшлар йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш, ҳаётга татбиқ этиш, умуммиллий маънавий қадриятларимизни ёшлар онгига сингдириш, қадимий ва бой тарихимиз, бебаҳо меросимизга ёшлар қалбида меҳр-муҳаббатни кучайтириш, халқимизнинг юксак маънавий қадриятларидан бири бўлган устоз-шогирд муносабатлари орқали амалий безак санъатининг гўзал, беқиёс турларидан бири бўлган, жойларда йўқолиб бораётган каштадўзлик-дўппидўзлик санъатини асл ҳолида асраш, ривожлантириш ва ёш авлодга санъат сир-асрорларини тарғиб этиш орқали маънавий оламини бойитишдан иборатдир.

Танловнинг дастлабки шарти бўйича «Дўппилар кўргазмаси» ҳайъат аъзолари томонидан муносиб баҳоланди. Шундан сўнг иштирокчилар «Танишув», «Энг мантиқий ривоят», «Энг қадимий дўппи», «Энг қадимий асбоб-анжом», «Замонавий нафис дўппи» йўналишларида ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Танлов иштирокчиларининг шарҳлари, кўргазмали чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Танлов якунида йўналишлар бўйича ғолиблар аниқланиб, ҳомий ташкилотлар томонидан махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Энг олий ўрин — Гран при Тошкент шаҳри вакилларига, биринчи ўрин Андижон вилояти, иккинчи ўрин Сурхондарё вилояти, учинчи ўрин эса Фарғона вилояти ва Қорақалпоғистон Республикаси вакилларига насиб этди. Шунингдек, бошқа йўналишлар бўйича ҳам ғолиблар аниқланиб, муносиб тақдирландилар.

**Дилором ИКРОМОВА**

**СУРАТЛАРДА: танловдан лавҳалар.**
**Алексей Попов олган суратлар**


**Молиявий барқарор, баҳамжиҳат меҳнат жамоасига эга ташкилотда ишлаш истагида бўлган фуқаролар диққатига!**

**Иқтисодчи лавозимига** — молия-иқтисодиёт ихтисослиги бўйича олий маълумотга, фаолият соҳасида камида 5 йил меҳнат стажига, компьютерда ва 1с-Бухгалтерия дастурида ишлаш кўникмасига эга 45 ёшгача бўлган;

**Маклер лавозимига** — олий маълумотга, камида 3 йил меҳнат стажига, компьютерда ишлаш кўникмасига эга 45 ёшгача бўлган;

**Тизим маъмури (администратор) лавозимига** — олий маълумотга, компьютер тизимини бошқариш соҳасида камида 3 йил меҳнат стажига эга 45 ёшгача бўлган;

**Оргтехникалар билан ишлаш ва уларни таъмирлаш бўйича мутахассис лавозимига (меҳнат келишуви асосида)** — олий маълумотга, камида 3 йил меҳнат стажига эга 45 ёшгача бўлган;

**Секретар-референт лавозимига (меҳнат келишуви асосида)** — олий маълумотга, камида 3 йил меҳнат стажига, компьютерда ишлаш кўникмасига эга 30 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари

**ТАНЛОВ АСОСИДА ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ!**

Танлов 2008 йил 15 декабрь куни Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1а-уй манзилида 2-қаватнинг 209-хонасида ўтказилади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган фуқаролар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:

— Танловда иштирок этиш ҳақида ариза;
— Мутахассислиги бўйича диплом нусхаси;
— Меҳнат дафтарчасидан нусха;
— Меҳнат фаолияти тўғрисида резюме (фотосурати билан);
— Фуқаролик паспорти нусхаси.

Талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш 2008 йил 14 декабрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган ва кўчмас мулк бозори бўйича иш тажрибасига эга фуқароларга алоҳида имтиёз берилади.

Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 228-88-05, 228-80-31.

**ИМКОНИЯТИНГИЗНИ ҚЎЛДАН БОЙ БЕРМАНГ!**


## Қутлаймиз!

*Волидаи муҳтарама Вазира аямизнинг муборак 80 ёшга тўлганлари билан чин қалбдан қутлаймиз.*

*Онажон, Сизга узоқ умр, соғлиқ-саломатлик тилаймиз. Оилавий даврамиз бунданда кенгайиб, барчамизга бош бўлиб юринг.*

*Фарзандларингиз, невараю чевараларингиз номидан эҳтиром ила Калымбетовлар оиласи*


**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ**

**ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!**

2008 йил 15 ноябрдан бошлаб сизларни етакчи цирк артистлари, халқаро фестиваллар совриндорлари иштирокидаги янги дастур намойишида кутамиз.

Дастурдан ўргатилган ҳайвонлар: уссури йўлбарслари, қўнғир айиқлар, маймунлар, илонлар, итлар, шунингдек, рекордчи эквилибристлар, ҳаво гимнастлари, акробатлар ҳамда қувноқ масхарабозлар гуруҳининг чиқишлари ўрин олган.

*Томошалар шанба кунлари соат 15.00, якшанбада эса 12.00 ва 15.00 да бошланади.*
*Маълумотлар ҳамда жамоавий буюртмалар бериш учун телефонлар: 244-35-91, 244-32-23, 244-35-94.*

**Тошкент давлат цирки**

**ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!**

*Ўқувчиларнинг қишки таътил кунларида барча ёш томошабинларни «Насриддин Афандининг янги эртаклари» цирк спектаклига таклиф этамиз.*

Маълумотлар учун телефонлар: 244-32-23, 244-35-94, 244-35-91.



**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**
**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади.**
**Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс (3712) 233-21-56.Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.**

(Газетанинг навбатдаги сони 12 декабрда чиқади)



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 1106

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

**Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (3712) 233-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
3257 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

1 2 6

Топширилган вақти: 13.50